

# O'ZBEKISTON adabiyoti va san'ati

ADABIY-BADIIY,  
MA'NAVIY-MARIFIY,  
IJTIMOIY GAZETA

1956-yil 4-yanvardan  
chiqa boshlagan

2023-yil 5-may  
№17 (4728)



9 май — Хотира ва қадрлаш кунни

## ХОТИРА МАНГУ, ҚАДР УЛУФ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан имзоланган “Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида”ги Фармонга биноан мамлакатимизда 9 май – Хотира ва қадрлаш кунни умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланиши, шунингдек, фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 78 йиллиги муносабати билан уруш қатнашчилари ва ногиронларини моддий рағбатлантириш вазифалари белги-ланди. Фармонга қўра, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларининг ҳар бирига 18 миллион сўм миқдорда бериладиган пул мукофоти байрамона вазиятда топширилади.

нинг баробарида “Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида”ги Фармон шу қадар тўлқинлантириб юборди. Инсон қонун ва давлат ҳимоясида бўлган ислохотларни қўриш насиб этгани халқимизнинг бахтидир. Бахт учун энг аввал, тинчлик-осойишталик ва хотиржамлик керак. Бир кун жанжал бўлган хонадондан кирк кун файзу барака кочади,

раққиёт гарови бўлиб келганининг гувоҳимиз.

Биз азал-азалдан тинчликсевар халқимиз. Кимлар босиб келмади юртимизга. Спитамен, Широқ, Амир Темур, Жалолиддин Мангу-берди сингари аجدодларимиз, Иккинчи жаҳон урушида қаҳрамонлик кўрсатган ота-боболаримиз жасорати бизни қанчалик фахрлантирса, Нажмиддин Кубро, Мирзо Улуғбек, Захириддин Муҳаммад Бобурлар маънавий жасорати дунё тамаддуни ривожига ҳисса бўлиб қўшилгани қалбимизни шунчалик ғурурга тўлдирди.

Бизнинг буюк миллий маънавий меросимиз бор. Уларнинг барчасида тинчликнинг қадрига етиш тарғиб этилади, уруш эса бағамом қораланади. 9 майни Хотира ва Қадрлаш кунни тарзида умумхалқ байрами сифатида нишонлаб келатганимиз замирида ҳам айнан ана шу эзгу мақсад ётибди.

Иккинчи жаҳон урушида Ўзбекистонимиздан 1 миллион 433 минг 230 нафар одам иштирок этди. 604 минг 52 нафар ҳамюртимиз уруш майдонларидан ногирон бўлиб қайтди, 450 мингдан ортиқ ватандошимиз эса қонли жангларда ҳалок бўлди. Бугун уруш қатнашчилари, фронт ортида меҳнат-машаққат чекканлар эъзозда. Ўтганларни хотирлаш, сафимизда юрганларнинг эса қадрига етиш бурчимиз.



Инсон қадри улуғланган юрда аждодлар руҳи ҳамиша шод бўлади. Жорий йилнинг май ойи ўзгаришларга бой бўлди. Унинг

дастлабки куниданоқ кучга кирган янгилашган Конституцияда инсон қадри, шаъни улуғлангани мени қанчалик суюнтирган бўлса, шу-

деб бежиз айтишмаган. Бир майини киркка бўлиб еган халқимиз учун тинчлик-хотиржамлик – ҳалол меҳнат, таълим ва тарбия та-

Шеърлий лаҳза

Ғафур ҒУЛОМ

### ИЙГИТЛАР

Йигитлар халқларнинг мақтови — кўрки,  
Наслнинг жавҳари, давлат таянчи,  
Юртининг ободлиги, тўйлар сабаби,  
Элнинг гуркираши, файзи, қувончи...

Йигит омон бўлса, хавфу хатар йўқ,  
Қалқон бор: қалъа бут, кўрғон саломат,  
Қизлар кулгусида авжу даромад,  
Чоллар уйқусида жаннат, фароғат.

Йигитлик умрининг бир кўкламига  
Бир бутун замонни алишсанг арзир.  
Арзир, ўз йигитнинг қадами учун  
Замонлар, кўклар бўлса мунтазир.

Бир йигит ҳижрони баъзан отанинг  
Бағрини, дўстларим, доғ-доғ ўртар...

Расо қоматингиз бизга асодир,  
Уфуринг, боғимиз бўлсин муаттар.

Сиз ахир, ўлимни юртдан қочириб,  
Ҳаётни пойдор қилган аскарсиз.  
Сиз ахир, улуғ юрт иқболи учун  
Жон тиккан эрларсиз, зотсиз, нафарсиз.

Лаънати галалар ердан суприлди  
Муқаддас ва ҳалол қонингиз билан.  
Янги жаҳон учун асос қўйдингиз,  
Ўлимни билмаган жонингиз билан.

Атомлар қуввати пок қалбингизда  
Ва сиздан кутади тақдирин жаҳон:  
Жаҳон, замон, халқлар, Ватан ва давлат  
Сизга таянади, сиздир посбон!

Ғафур Ғулом шавқлидининг 120 йиллиги

Сувон МЕЛИ

## МЕҲРНИ ОЛАМГА ЁЙГАН ШЕЪР

“Сен етим эмассан” шеъри  
поэтикасига доир

Машҳур шеърлар нафақат ўзининг маъно-мазмунини, балки ёзилиш шакл-шамойили билан ҳам онгимизда муҳрланиб қолади. Санъатшуносликда визуал хотира деган тушунча борки, у онгимизда муҳрланиб қолган шаклнинг (бизда, шеърлий шакл) проекцияси, акси, тасвирини англатади. Ушбу буюк шеърни одатланиб қолган шакл, атайлик, шоирнинг машҳур шеърлари “Соғиниш” ёки “Вақт” каби ёйиб, текис ёзилган тарзда тасаввур қила олмайми. Чунки шеър 6 ва 5 хижоли қисқа мисралар, ўрни-ўрни билан Маяковский усулидаги зинапоё сатрлардан иборатки, улар онгимизда худди шу тарзда ўрнашиб қолган.



Шеърнинг номи “Сен етим эмассан” – ҳам китоб, ҳам нидо бўлиб, шу гапнинг ўзиёқ мағик кудратга эга. Маълумки, урушнинг дастлабки йиллари немислар вақтинча босиб олган юртлардан минг-минглаб аҳоли, хусусан, ота-онасиз қолган болалар мамлакатнинг урушдан олис гўшаларига эвакуация қилинди, яъни кўчирилди. Улар, жумладан, Марказий Осиёдаги беш жумҳуриятдан бошпана топдилар.

Шу ерда ҳақли икки савол туғилади.

1. Нега айнан ўзбек шоири шундай шеър ёзди?  
2. Нега бу шеърни айнан Ғафур Ғулом ёзди?

Саволлар бир-бирига боғлиқ, бири умумий, иккинчиси хусусий. Биринчи ҳолда миллатнинг қалб-сажияси, ўзбекининг мушфиқ қалби ҳақида гапиришга тўғри келади. Меҳмондўстлик, ҳамдардлик, мусофирга раҳм-шафқат – халқимизнинг қон-қонига синган фазилатлардир. Иккинчи саволга

келсак, Ғафур Ғулом шу халқнинг фарзанди. Унинг ич-ичидан чиққан дилбанди эди. Бунинг кудратга эга. Маълумки, урушнинг дастлабки йиллари немислар вақтинча босиб олган юртлардан минг-минглаб аҳоли, хусусан, ота-онасиз қолган болалар мамлакатнинг урушдан олис гўшаларига эвакуация қилинди, яъни кўчирилди. Улар, жумладан, Марказий Осиёдаги беш жумҳуриятдан бошпана топдилар.

Биз одам боласимиз,  
Одамнинг донасимиз,  
Биз ўсиб улғаямиз,  
Олим бўлиш ғоямиз.

Омон МУХТОР

Атоқли адиб, ноширнинг шоир Омон Мухтор бағрикенг Инсон сифатида ҳам ўзига хос эди. Мазкур “Шуҳрат ака” эссеи мана шундай эса унинг меҳрибон кўзлари Сизга баъбар боқиб туришга тўралиди. У ёзган ўғмас ироқ Эзирлик йўллари мана шундай эди. Дилдан йўзган Сўз қалбларга етиб борганига доғлат элади.

## ШУҲРАТ ДОМЛА

Кўлимда Шуҳрат домланинг 1984 йилда олинган бир сурати... Юзида, айниқса, кўзларида шундай азоб-изтироб муҳрланганки! Ишонмаслик мумкин, ҳатто қалин тутик қошлари унинг оғир ички ҳолатини акс эттирган.

Жуссаси йирик, одадга, ишонч билан кўксини мағрур кўтариб босиб, дадил юрадиган бу киши ёши олтишдан ўтиб етмишга бораётганида, шу Шуҳрат ака, дейдиган даражада беҳос чўкиб, чарчаб қолган эди. У яна ўн йилдан кўпроқ яшаса-да, ўшандаёқ бир умрлик укубатлар натижасида соғлиғига путур етиб, умр шами


Эссе

сўна бошлаганди. Хаста жисмини домла, кейин маълум муддат “ташви” юрди, холос. Сурат менга эслатди... Уша йиллар ораси бир кунни, Шуҳрат ака халқ ёзувчиси бўлибди, деган хабарни эшитиб, табриқлагани Олой бозорининг орқа тарафида, 2-трамвай йўлида жойлашган уйига бордим. Уйда, дастурхон атрофида оқсоқол ёзувчилар – Ҳаким Назир, Раҳмат Файзий, Туроб Тўла, Асқад Мухторлар ўтиришарди. Дам ўтмай, Ҳамид Ғулом, Саид Аҳмад акалар келишди.

3

## ТАҚДИМОТ

Ёзувчилар уюшмасида



Россиянинг “Ладомир” нашриётида чоп этилган, шарқона безатилган “Ўзбек шеърляти антологияси”нинг (“Антология узбекской поэзии”) иккинчи жилди тақдимотида шеърлят мухлислари, китобга асарлари киритилган муаллифлар, уларнинг фарзандлари иштирок этдилар. Тадбирда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Халқ шоири Сирожиддин Саййид, Халқ ёзувчиси Муҳаммад Али, академик шоир Ғафур Ғуломнинг кизи Олмос опа ва бошқалар сўзга чиқиб, ўзбек адабиёти тарғиботи, халқаро адабий алоқалар аянда ривожланиб бораётгани, ушбу антология ўзбек шоирларининг рус китобхонлари учун қатта совғаси экани ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Хусусан, мазкур лойиҳани моддий қўллаб-қувватлаган юртпарвар инсон Алишер Усмонов номи фахр билан тилга олинди.

“Агар Антологиянинг биринчи жилди қадимги эпослар ва буюк қалам соҳибларидан бошланиб ўзининг Олтин асрига қадам қўйган мумтоз ўзбек назмининг узоқ асарларини камраб олган бўлса, иккинчи жилдида кейинги юз эллик йил давомидаги ўзбек шеърляти вакиллариининг ижодидан намуналар тақдим этилган, – деди тақдимотда лойиҳа муаллифи, таниқли адиб, таржимон Михаил Синельников. – Антологиянинг иккинчи жилдида мустақил Ўзбекистонда яшаётган ижодкорлар асарлари ҳам ўрин олган. Аммо мустақиллик учун кураш ғояси муқаддам яшаб ўтган шоирлар ижодида ҳам яққол ифодасини топган эди”.

Тадбир якунида Антологияни шакллантиришда изланишлар олиб борган лойиҳа масъуллари ва таржимонларга Ёзувчилар уюшмасининг эсдалик совғалари топширилди.

## ҲОФИЗНИНГ ЯНГИ КИТОБИ

Юртимизда Ўзбекистон ва Тожикистон халқ артисти Шерали Жўраевнинг бетақдор кўшиқлари кириб бормаган хонадон йўқ. Кўшиқ куйлашдан ташқари, шеърлар ёзиб, “Бола дунёни тебратар” деб номланган китобини мухлисларига ҳада этган атоқли санъаткорнинг наشرдан чиққан янги “Бир кўшиқ куйлайки...” деб номланган китобидан унинг шеърлари қазаллари, “Ишқ достони” ҳамда хофиз ҳаёти ва ижоди ҳақидаги мақолалар ўрин олган.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида мазкур китоб тақдимоти бў-

либ ўтди. Тадбирда таниқли ёзувчи шоирлар, адабиётшунослар, актёрлар, хофизнинг оиласи ва мухлислари иштирок этди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожиддин Саййид, Ўзбекистон халқ артисти Ёдгор Саъдиев, “Жаҳон адабиёти” журналы бош муҳаррири Аҳмадҷон Мелибоев ва бошқалар Шерали Жўраевнинг Ўзбекистон адабиёти ва санъати ривожига қўшган ҳиссаси ҳамда янги китобнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида тўхталишди.

– Отам менга кўп китоб ўқитарди, – дейди Шерали Жўраев,

– Даврадошлари ҳузурда ҳазрат Алишер Навоий ғазалларини ўқиб берганларим ёдимда. Ана шу мухит, ана шу муҳиблик, мана, шунча йиллар ўтса ҳамки мени тарқ этгани йўқ. Бунинг учун Яратганга шукроналар айтаман. Мени сўзга, навога ошно қилган, зиёли, оқибатли одамларни чорлаб, уларнинг суҳбатидан баҳраманд этиб, менга улкан тарбия берган падари бузрукворимдан миннатдорман.

Ўз мухбиримиз



Шерали  
ЖўРАЕВ:  
Бир кўшиқ  
куйлайки...

## Яхшилар ёди

## ХАЛҚОНА КУЙЛАГАН ШОИР



Саъдулла акадаги самимийлик дўстлар кўнглидан ҳеч кетмаса оқди. Мен Саъдулла ака билан 20 йиллар олдин Андижонга ижодий сафарга борганимизда яқиндан танишганим. У вақтда устоз “Мохият” газетасининг бош муҳаррири эди. Шундан сўнг биз кўп сафарларда бўлдик, умумий дўстларимиз билан бирга адабий давраларда кўришиб турдик. Саъдулла аканинг 60 йиллигида устоз Абдулла Орипов бошчилигида Гараша қишлоғига борганимиз, қалин қорда тоғдан ўтганимиз ҳузур қилиб эсланадиган воқеалардан бўлган эди.

Саъдулла акадаги одамхушлик доимо ўзига тортиб турарди. Шундай суҳбатлардан бирида шеърдаги халқчиллик ҳақида суҳбатлашганим. Шунинг учун бугун Саъдулла Ҳаким ижодининг кенг қўламлигини таъкидлаган ҳолда, асарларидаги халқчиллик ҳақида қисқача фикр юритмоқчиман.

Саъдулла Ҳаким шеърининг ёркин қирраларидан бири унинг шеърларида халқона руҳнинг устуворлиги, халқ кўшиқларига ҳамоҳанг шеърлар битганидир. “Ҳамал тонглари”, “Сен кутган баҳор”, “Ёз окшоми”, “Она сўз” каби шеърини тўпламларида бу руҳдаги шеърларни кўплаб учратасиз.

Шоир болалигини эслаб шундай ёзади: “Онам узун киш кечалари ҳаммамизни сандал атрофига йиғиб “Орзуғул”, “Равшан”, “Интизор” дostonларини ўқитишни яхши кўрарди. Асосан мен ўқирдим, халқона кўшиқ йўлида”. Мана шу ўқишларда халқона оҳанг шоир хотирасида бир умрга сақланиб қолади ва кейинчалик шеърларида ўз ифодасини топади.

“Хар ким ўз кўшигини айтиши керак” деган халқ иборасини ўзига шиор қилиб олган шоир доимо оригиналликка интилади. Ўз кўшигининг йўлларини кенгайтиришни, ранг-баранг қилишни истайди. Ижодкорлар фикрини таъсирчан айтиш учун халқ озгача ижоди, турли ривоятлардан фойдаланиш аънанаси азалдан бор. “Содик ит ривояти” шеърда шоир бундан усталик билан фойдаланган. “Кимнинг узуми ширин”, “Уйланиш”, “Удлабурро Сатторбой сири”,

“Ражаббойнинг белгиси”, “Ривоят” каби воқеабанд шеърлар халқ юморидан фойдаланиб ўқишли қилиб ёзилган асарлардир. “Чопоним”да эса, ёр қўли теккан вақтда чопони ичида бўлмаганидан афсусланади. Бу шеърларда муҳими – инсон тийнати бор.

Саъдулла Ҳаким латифалар, ривоятлар, афсоналар асосида шеърлар ёзаркан, шунчаки эшитганини кизикарили қилиб сўзлаб берибгина қолмайди, ўз мушоадаларини, айтмоқчи бўлган фикрини шу тарзда ифода қилади. Халқона йўлда ёзилган бу сингари шеърларидаги яна бир жиҳат – шоирнинг ўзини тафтиш қилиши. Айниқса, “Шарҳи хол” шеъри характерли: “Очса юрак кўзини, Кўнглига нам келарми? Ҳар бандаси ўзининг, Кимлигини биларми?”

Саъдулла Ҳаким халқ мақол ва маталларидан таъсирланиб ўзи ҳам пурхикмат мисралар битади.

**Ечинтирган дим кўклардан  
Кийинтирган қуз яхши.  
Миннатли номард ошидан,  
Мард берган нон-туз яхши.**

(“Халқона”)

Шоирнинг халқ кўшиқлари йўлида ёзилган шеърлари ҳам анчагина. “Узум таърифида” бунга яхши намуналардан бири.

**Чилги гўё қахраб зар,  
Ток зангини нурдай безар.  
Тенгини топсам сўзгина  
Эрта етилган қизгина.**

Ёки “Болалик ёди” шеърини ўқиб халқ кўшигини тинглагандек бўласиз:

**Тор кўчани тўлдириб  
Оқди олма пси.  
Олмазордан кўчага  
Тўқилар киз қулгиси.**

Ушбу мисралар, бандлардаги оҳанг ўқувчида шеър завқини уйғотади. Унинг “От хурмати”, “Кўхна накл”, “Чоштепада ёз”, “Афанди”, “Уч гулим, уч чечаким”, “Бойбичча”, “Кўшиқ” шеърлари ҳам халқона руҳнинг устуворлиги билан ажралди турди. Умуман, бу руҳни шоирнинг ҳар бир шеърда сезиш мумкин. Чунки шоир кўнгли халқ билан, унинг қуй-қўшиғи, борлиги билан чамбарчас боғлиқ эди.

Саъдулла Ҳакимнинг шеърлари узок йиллар ўқувчилар кўнглига сурур бағишлашига аминман. Ўзидан гўзал асарлар мерос қолдирган устоз шоирнинг охирагилари обод бўлсин.

**Адхамбек АЛИМБЕКОВ,  
Тошкент давлат шарқшунослик  
университети профессори**

## Бошланиши 1-саҳифада

Ўзбекистоннинг бугунги тинчликни асраш сиёсати 9 майни Хотира ва Қадрлаш куни умумхалқ байрами сифатида нишонлашни тақозо этгани тарихий ҳодисадир. Она халқини янада улуғлаб, Хотира ва Қадрлаш куни байрам сифатида тақвимга киритилишининг ўзи буюк қадриятдир. Мамлакатимизда Хотира ва Қадрлаш куни умумхалқ байрамига кизгин тайёргарлик ишлари бошланиб кетди. “Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида”ги Фармон ҳамда “Хотира ва Қадрлаш кунига тайёргарлик кўриши ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорда белгилаб берилган вазифалар амалга

## ХОТИРА МАНГУ, ҚАДР УЛУФ

ошаётганига гувоҳ бўлиш қувонарли.

Иккинчи жаҳон уруши тугаганига 78 йил тўляпти. Бу бир инсоннинг ўртача умрига тенг. Ҳар вилоят марказида Хотира майдонлари очилгани ёш авлодга ғурур ва ифтихор бахш этмоқда. Ёшу қарининг, ҳатто аёлларнинг ҳам жанг майдонидеги жасорати билан бирга Ўзбекистоннинг, жанг бўлган ҳудудларга фронт ортидан етказган ёрдами ҳам чинакам қахрамонликдир. Кирк беш кунда Фаргона каналининг ишга туширилгани, кўчириб келтирилган фабрика, заводлардаги ишчиларимизнинг тинимсиз меҳнатида халқимизнинг ватанпарварлиги ва инсонпарварлиги номоен бўлди.

Менинг отажоним Абдурашид Мухитдинов ҳам фронтда жанг қилганлар. Ленинград қамалида бўлганлар. Улар бизга урушнинг энг қаттиқ оғир кунларини сўзлаб берар эдилар. Кўкракларини жанговор орден ва медаллар безаб турарди. Ҳар йили давлатимиз раҳбарининг фармон ва қарори чиққанида кўларимга ёш келади, отажоним руҳлари шод бўлди, деб.

Невараларимга сўзлаб бераман, расмларини кўрсатаман. Лекин мендай юртдошларим миллионлабдир. Демак, бу хотира халқимизни янада жипслаштирадиган бирлаштирадиган. Юртимизга эвакуация қилинганларга кўрсатилган меҳр ва инсонийликнинг чеки йўқ эди. Чунки бу ҳам бизнинг хонадонимизга тегишли бўлиб, бувижоним бир укарналик ёши

уч-гўртларда бўлган Валентина Попоченкони (исми ва фамилияси қўлида ёзилган экан) олиб катта қилганлар. Хозирда унинг фарзандлари Бухоро вилоятининг Гиждувон тумани Соктаре қишлоғида яшашади. Шунингдек, яна бир ўғил болани олишган. Уруш йилларида бу болани яратган берди, деб исмини Шукур деб аташган. Шукур Шарапов 2021 йилда вафот этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ғояси ва ташаббуси билан инновацион технологиялар асосида, Ўзбекистон халқининг Иккинчи жаҳон урушида кўрсатган бекиёс жасоратини абадийлаштириш мақсадида бунёд этилган “Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуаси ва “Шон-шараф” давлат музейи экспозициялари халқимизнинг уруш йилларида кўрсатган мардлик ва матонатини, юксак инсоний фазилатларини намоян этиш ҳамда ёш авлодни она Ватанга садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилади. Боғнинг “Матонат мадҳияси” мажмуасида бутун ўзбек аёлларининг садоқати рамзига айланган зангиоталик Зулфия Зокирова ва унинг урушда ҳалок бўлган беш ўғлининг вафодор рафикалари акс этган.

Урушда ҳалок бўлган ҳар бир ўзбекистонлик – Ватонимиз фарзанди эди. Дарҳақиқат, Ғалаба боғи, шахидлар майдони, хотирани ўзида мужассам этган майдон ва масканлар мамлакатимиз фуқароларининг қалбига яқин, ўтганлар руҳи ёдга олинадиган, дуолар ижобат бўладиган гўшага – муқаддас маконга



зициялари халқимизнинг уруш йилларида кўрсатган мардлик ва матонатини, юксак инсоний фазилатларини намоян этиш ҳамда ёш авлодни она Ватанга садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилади. Боғнинг “Матонат мадҳияси” мажмуасида бутун ўзбек аёлларининг садоқати рамзига айланган зангиоталик Зулфия Зокирова ва унинг урушда ҳалок бўлган беш ўғлининг вафодор рафикалари акс этган.

Урушда ҳалок бўлган ҳар бир ўзбекистонлик – Ватонимиз фарзанди эди. Дарҳақиқат, Ғалаба боғи, шахидлар майдони, хотирани ўзида мужассам этган майдон ва масканлар мамлакатимиз фуқароларининг қалбига яқин, ўтганлар руҳи ёдга олинадиган, дуолар ижобат бўладиган гўшага – муқаддас маконга

айлангани бежиз эмас. Ҳар бир ҳудудда “Хотира” китоблари чоп этилгани ҳам диққатга сазовордир. Ҳар бир жангининг исми ва шарифи Хотира майдонига ўрнатилган темир “дафтар”га зарҳал харфлар билан битилгани бугунги кунларнинг шукроналиги ва ўтган авлодлар хотирасига эътибор ва эҳтиром нишонасидир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги “Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабанинг 75 йиллигини муносиб нишонлаш тўғрисида”ги қарори асосида Тошкент шаҳрининг Олмазор туманида “Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуаси ҳамда унинг ҳудудида “Шон-шараф” давлат музейи бунёд этилгани ҳам хотира ва эътиборнинг мантикий даво-

ми бўлди. Мана шу эътибор барчани эзгуликка, тинчлик ва осойишталикни асраб-авайлашга ундовчи маёқ бўлмоқда. Фақат дунёни яхшилик кутқаради ва яхши кишилар тирикчилигида ҳам қадр топади. Халқ ҳеч қачон яхши фарзандларини эсдан чиқармайди.

Жонажон пойтахтимиздаги Хотира майдони, “Ғалаба боғи” зиёрати кишида ана шундай хис-туйғулар, фикр-уйлар уйғотади. Бундай гамхўрлик ва эътибор кишини маънан рағбатлантиради, уни яшашга, яратишга, элу юртга садоқат ва қатъият билан хизмат қилишга ундайди. Хотира ва қадрини улуғлаган халқ ҳаминша қудратлидир.

**Фирюза МУХИТДИНОВА,  
Тошкент давлат юридик  
университети профессори**

## Қадрият

Нўқта янглигим, вафо узра қилур котиб рақам,  
Ишқ ўтининг доғини аҳли вафода истангиз.

## Алишер НАВОЙЙ

Инсоният ҳаётида, шубҳасиз, энг катта мўъжизалардан бири китобдир. Мободо, башарият мутафаккирларининг китоб ҳақидаги фикрлари йиғилса ҳам бир неча жилдик китоб ҳосил бўлишини илм аҳли яхши билади. Китобсевар миллат ҳеч қачон хор бўлмайди. Шу маънода, бошидан турли жафоларни кечирган она халқимиз маънавияти, маданияти ҳақида гап кетса, унинг китобга ошнолиги-ю ундан йироқлиги даврларини эслашнинг ўзи кифоя. Аҳли дониш, мутафаккирлар, ижодкорлар томонидан битилган китоблар то хозирги замон нашр ишлари юксак технологияси даврга қадар мураккаб йўлни босиб ўтган. Бизнинг юртимизда ўн минглаб қўлёзма асарлар бекиёс маънавий бойлик ҳисобланади. Маҳоратли китоблар томонидан кўчирилиб, китобат қилинган бундай ёзма дурдоналар миллий фондларимиздан ташқари дунёнинг турли мамлакатларидаги нуфузли кутубхоналарда ҳам сақланади.

Китоблар меҳнати орқали китобат санъати ривожланмаганида халқимиз интеллектуал салоҳияти бугунги кундагидек сақланиб қолишини тасаввур этиб бўлмасди.

Китобат санъатини китоблар бошлаб бергани ҳам исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир. Илк ўрта асрларда Хитойда қозоғга ёзилган матнлар махсус ёғочларга бостирилиб, кейин китобларга нухсаланган. Дастлабки босма китоб буддавийликка оид “Олмос сутра” 868 йилда чоп этилгани айтилади. Матбаа кор-

хоналари пайдо бўлганда ҳам китоблар меҳнатига талаб юқори даражага чиққан. Гап шундаки, китоб ёзиб берган матнлар аввал махсус тошларга тескари бостирилиб, ундан китоб варақларига китоб ёзуви айнан кўчирилган, хозирги тил билан айтганда, нухса олинган. Тошбосма матбааларда китоб чоп этишда ҳам китоблик аҳамиятини сақлаб қолган.

Ўрта асрлардаги салтанатларда, кейинчалик уч хонлик саройи кутубхоналарида олим ва шоирлар, наққошу мусаввирлар билан бир қаторда хаттотлар ҳам бир жойга тўпланиб ижод этганлар. Уларнинг ижтимоий мавқеи, молиявий-иктисодий мақоми ҳам анча юксак бўлган. Масалан, Алишер Навоий асарларини маҳорат билан китобат қилган Султонали Машҳадий ўз замонида “киблат ул-кутуб”, “султон ул-хаттотин” унвонларига эга бўлган. Настаблик хати иштирочиси Мирали Табризийнинг шогирди бўлган Султонали Машҳадий настабликнинг Эрон, Туркия, Ўрта Осиё, Хуросон, Ҳиндистон ҳудудларига ёйилишига ва тараққий этишига сабабчи бўлган. У ўзи шоир сифатида настаблик хати ҳақида манзума яратган. У ўзи шоир сифатида настаблик хати ҳақида манзума яратган. У ўзи шоир сифатида настаблик хати ҳақида манзума яратган.

Асрлар давом этган аънанавий усулдаги қўлда кўчириб китобат қилишдан фарқли ўларок, литогра-

фик, яъни тошбосма усулда китоб таъб этиш – магнни тайёрлаш ва уни нашр қилиш тартиби ўзлаштирилди. Китобат ишида янги касблар кўпайди – литографик матбаа эгаси, муҳрдор, ношир, нашриёт ишини молиялаштирувчи ҳомий, китобфуруш. Китобатдаги асосий шахслар – китоб ва саҳхофнинг вазифасига талаб анча ўзгарди. Китобларни қўлёзма ҳолатда кўпайтириш, аҳолидан ҳамда муқовасозлардан ол-

Демак, энди китоб ишида котиблар эмас, унинг ўрнига замон талаби билан юзлаб китоблар сотадиган, талабни ўрганиб, таклифни белгилайдиган китобфурушлар бош ўринга ўтишди. Китоб ишининг асосийдек кўринган маънавий-маърифий вазифаси ёнида унинг молиявий манфаатдорлик хусусияти олдинги ўринга чиқди. Асосий масала 500-600та китобни сотиш ва ундан келадиган даромад эди. Ки-

лига кўра, китоб (мусулмон мамлакатларида нашр этилган журнал ва газеталар) сотиб олиши ёки қироатхонада ўтириб ўқиши мумкин эди.

Китоб ишлаб чиқаришда китоб ва ўзган матн энг асосий омил бўлгани ҳолда, ўрта асрлардан мутлақо фарқли ўларок, китоб мавқеи нисбатан ўзгаришга учради. Албатта, мажмуавий ташкил этилган ширкат ишларида қўлёзма усулида китоб чиқаришда энг асосий ўринда бўлган китобнинг роли кўринарлиқ эмасдек таассурот уйғотади. Лекин устоз-шоғирдлик аънанасини давом эттириб келган XIX аср котиблари ҳақида гап кетганда худди ўрта аср саройлари, хон кутубхоналарида хизмат қилган хаттотларга берилган таъриф тақдорланади.

Аксарият китоблар хунарманд ёки мадраса кўрган оилалардан чиққан. Араб-форс тиллари ва адабиётдан яхши хабардор бўлишган. Мираҳмад Мирий Абдурахим ўғли Кўкчада пўстиндўз, Шохмурод котиб боғдор, Азим Содикжон ўғли наққош, Мухаммад Усмон котиб ва Аскаралли Чархий тўқувчилар оиласидан чиққан. Тошкент шаҳрида йирик матбаалар жойлашгани билан боғлиқ ҳолда тошбосма нухсалар учун котиблар мактаби шаклланиши боис бошқа жойлардан ҳам келиб бу касб билан шугулланишган. Нажмиддин Хўжа

«...ВАФО УЗРА ҚИЛУР  
КОТИБ РАҚАМ»

динги таъмирланган китобларни, китоблардан янги кўчирилган нухсаларни сотиб олиш билан шугулланган китобфурушлар илгари воситачи ролида бўлган эсалар, литографиялар вужудга келгач, аҳоли кизиктиларини аниқлашда, хилма-хил жанр ва нашрларни белгилашда, турли қатламдаги халқ вакиллари орасида нашрларни тарқатишда муҳим мавқеларни эгаллай бошладилар.

Китоб иши ҳақидаги адабиётларда айнан китобфурушлар иш жараёнида қайси китоб харидоригир эканлигини, талаб ва таклифни яхши ўзлаштириб, шунга кўра, китоб санаотини белгилаб беришганини айтишади. Чоп этиш жиҳатдан типографиядан кўра арзон ва содда, ёзув шакли аънанавий кўринишдаги тошбосма китоблар (нашрга котиб матни асос бўлган) китобхоналар талабига жавоб берарди.

тобфурушлар бошқа шаҳарларга (Истанбул, Қозон, Боку) ўз нашрларини олиб бориб сотиш ишини, айни дамда ўша шаҳарлардан турли китоб олиб келишни, умуман, худудлараро савдони йўлга қўйишди. “Тошбосма китобларнинг хат жиҳатдан чиroyли ва саводли нашр этилиши, биринчи навбатда, хаттотларга боғлиқ бўлган, – деб ёзади манбашунос олим М.Ҳакимов. – Агар хаттот магнни нафис хат билан кўчирса, ўқувчилар томонидан тез фурсатда харид қилиниб, ўша асарнинг навбатдаги нашрларига талаб ва эҳтиёж тугилаверган. Ношир ва тожирлар эса дурустгина иктисодий фойда кўрганлар”.

Китоб савдоси китоб бизнесига айлана борди. Юқорида айтилгандек, Туркистонда ҳам сотувчи ва хизмат кўрсатувчи китобхона-ширкатлар пайдо бўлди. Бу ширкатга келган китобхон ўз моддий аҳво-

**Гулшан РАҲИМ,  
филология фанлар номзоди**







# ЁМТИР РАНГЛАРИ



Аранчи Шаржанов. Самарқанд. (2016).

Тошкент Фотосуратлар уйида “Ранго-ранг ёмғир” деб номланган кўрғазма очилди. Экспозицияда козогистонлик rassomлар Аранчи Шаржанов, Султан Иляев, Насир Рустамов, Мухтар Бекенов, Мадина Мухторованинг рангтасвир ва графикага доир ижод намуналари намойиш этилмоқда.

Рассомлар козок халқи кадрятларини тарғиб қилиш, унинг гўзал шакли шайиқилини тиклаш, миллий анъаналарни сақлаб қолиш йўлида маданий-маърифий фаолият билан машғул бўлиб келмоқда. Уларнинг аксарияти эркин услубда,

рангтасвир тажрибаларига асосланиб ижод қилишади.

А.Шаржановнинг ижоди алоҳида эътиборга молик. Рассомнинг ҳар бир асари ўзига хослиги билан эътиборни тортади. “Паром”, “Орол бўйи”, “Қизил тоғ”, “Кўк терак” каби асарларида Орол хайбати, кема, от-арава, йўловчи, тоғлар, дарё ва ўт-ўланлар, тиник ҳаво тасвирлари эркин рангларда жилваланади. Рассом ижодида “Самарқанд”, “Бухоро”, “Хива”, “Менинг боболарим” сингари тарихий асарлар алоҳида ўрин тутди. Бу асарларда тарихга ўзгача

ёндашув, рассомнинг янгича нигоҳи кузатилади. А.Шаржанов ижодида турли кўзалар, гуллар ва сархил мевалар тасвирланган натюрмортлар ўзига хос калорити билан эътиборни жалб этади. Рассом Мадина Мухторованинг ижоди ноанъанавий шакл-шамойили билан ажралиб туради. “Рангли орзулар”, “Олтин қудук”, “Сехрли сарой” каби туркум асарлари пухта композицияга ва ранглар ечимига эга. Кўрғазмадан ўрин олган Насир Рустамовнинг “Оила”, “Ховузда”, Султан Иляевнинг “Опоқ ой”, “Яқинлашув”, Мухтар Бекеновнинг “Ёшлик”, “Тракторчининг ўғли” асарларда ҳам замонавий тасвирий санъатнинг етакчи тамойиллари ўз ифодасини топган.

Шунингдек, кўрғазмада козок халқи маданияти, эътиқоди, донишмандлиги



Мухтар Бекенов. Ёшлик. (2020).



Мадина Мухторова. Хайлпарастлар. (2022)

акс этган фольклор руҳидаги асарларни ва козок рангтасвир анъаналарининг эркин манзараларини қўриш мумкин. Ижодкорлар қайси мавзу ва тасвирий санъат йўналишларида ижод қилмасин, миллий анъаналарни, абадий мавзуларни янгича усулларда кўтаринки қайфият билан тасвирлайдилар. Кўрғазма Козогистон Рассомлар союзи, Ўзбекистон Бадий академияси, Тошкент Фотосуратлар уйи ҳамкорлигида ташкил этилди.

С.КОСИМОВА

Гул кўп, чаман кўп...



## Шекспирнинг адабий мероси

Уильям Шекспир пьесалари жаҳонда бошқа драматургларнинг асарларига қараганда кўпроқ намойиш этилади. У умри давомида 150дан ортиқ сонет, 38 пьеса, тўрт дoston ва учта эпитафия ёзган. Шекспир бекниёс истеъдоди боис инглиз тилида ижод қилган энг буюк адиб ва умуман, дунёнинг энг мохир драматурги саналади. У турли жанрларда – комедия, трагедия, хроника, ҳатто трагикомедиялар яратган.

## Қирол Лир

“Қирол Лир” пьесаси Уильям Шекспирнинг машҳур асарларидан бири бўлиб, хотимаси жуда қайғули. Шунчалар қайғулики, асарнинг илк намойишидан кейин 150 йил давомида аслиятдаги-дек сахнага олиб чиқилмаган, балки бироз “юмшагиб” намойиш этилган. Ҳозирги театрларда “Қирол Лир” драматург қандай ёзган бўлса, шундай намойиш этилади.

## Ўз кучи билан

Шекспир ҳаётидаги барча муваффақиятларга ўз куч, маҳорати билан эришган. У аслзолалар сулоласидан бўлмаган – отаси оддий хунарманд, еттига опа ва укаси бўлган. Уларнинг барчасини ўқимини қилиш учун ота-онасида маблаг етишмагани табиий ҳол. Бўлажак драматург қарда таълим олгани ҳозиргача номаълум, балки оддий “грамматика мактабида” (ҳозирги ўрта мактабда) ўқиган бўлиши мумкин.

## Сўз ҳазинаси

Инглиз тилида сўзлашувчи замондошларимиз ўрта ҳисобда луғатдаги тўрт минг сўздан фойдаланади. Шекспиршунослар буюк драматург ижодини ўрганган, унинг сўз бойлиги бундан 5-6 баробар кўплигини аниқлашган. Бу ўша давр учун ҳам энг юқори натижадир, ҳозир ҳам шундайлигича қолмоқда. Шекспир инглиз тилига бир неча минг сўз олиб қирган. Бундай сўз бойлигига эга адибни А.С.Пушкин ёки Н.М.Карамзинга қиёлаш мумкин.

## Ақолий оила

Уильям Шекспир 18 ёшида 26 ёшли Энн Хатауэйга уйланади. Улар учта фарзанд кўришади, аммо унинг шажараси XVII асрда, набираси вафотидан сўнг ниҳояланган дейишади. Ўша даврдан буён унга тўғридан-тўғри боғланган авлодлари йўқ. Тўртта набираси ҳам фарзанд кўрмайди. Шундай бўлса-да, бир неча бор Шекспирни ўзига боёқалон деб даъво қилган бир неча каллоблар чиққан. Бироқ улар сўзларини тасдиқловчи ҳеч қандай далил кўрсатолмаган.

## Иктибослар

Шекспир асарларидан олинган иктибослар жаҳон халқлари тилларида жаранглайди, иктибос олинмиши буйича фақат Инжиддан кейин туради. Унинг асарлари дунёнинг барча асосий тиллари-га таржима қилинган. Уран сайёрасининг кўплаб йўлдошлари Шекспир асарлари қахрамонлари номи билан аталади.

## Глобус ва Блэкфрайерс

Ўз вақтида Шекспир шунчалик бойиб кетганки, Стратфордда катталлиги жиҳатидан иккинчи ўринда турадиган Нью-Плэйс боғини сотиб олади. Шунингдек, бошқа актёрлар билан бирга Лондондаги машҳур “Глобус” театрини бунёд этади ҳамда “Блэкфрайерс” театрини харид қилади.

## Фрейд ва Толстой

Файласуф Зигмунд Фрейд инсон моҳиятига бағишланган тадқиқотларида кўпроқ Шекспир қахрамонларига, масалан, Ҳамлет руҳиятига асосланган.

Буюк ёзувчи Лев Толстой буюк драматург Уильям Шекспир ижодини ўта салбий баҳолаган ва бу ҳақида унинг танқидий руҳдаги очерклар қорлагани маълум.

## Ўзим ўқийман

ДАФТАРМИ  
ЁКИ КАПТАР?

Кечагина дўқондан  
Сотиб олдим дафтарча.  
Дафтар эмас, гўёки  
Мовий, жажжи каптарча.

Дафтар десам, сувдай пок  
На ёзуви, хати йўқ.  
Қувонтирар кўзларим  
Каптар десам, пати йўқ.

БОЙЧЕЧАК

Оилавий саёхат  
Бахш этади кўп роҳат.  
Қиру адир – бойчечак,  
Кучоғини очажак.

Биз ҳам қилдик саёхат,  
Хурсанд бўлдик бағоят.  
Бойчечаклар жуда кўп  
Очилибди тўп, тўп, тўп.

Дўстлашайлик бойчечак,  
Чиройлигим, ой чечак.

Қишлоқ томон олсанг йўл,  
Бизниқиди меҳмон бўл!

Дилобархон  
АБДУЛФАТТОВА,  
Эркин Воҳидов номидаги  
Ижод мактаби ўқувчиси

## Газетхон илҳоми

АЁЛ

Баланд тоғ чўққисин ок кори – Аёл,  
Ҳаёт гўзаллигин руҳсори – Аёл.  
Дунёни бог дея атасак, боғнинг  
Гуллари, муаттар ифори – Аёл.

Умрининг мазмуни, хитоби – Аёл,  
Зулматли тунингнинг моҳтоби – Аёл.  
Танингда мадору руҳингга қувват,  
Нурсиз кунларингнинг офтоби – Аёл.

Яхши аёл – жонингга жон бағишлар,  
Рухга қувват, томирига кон бағишлар.  
Бу ҳаётда содик йўлдош, вафоли ёр,  
Ишга имкон, дилга иймон бағишлар.

ОНА

Авлодни аждодга боғловчи ришта,  
Она бор – бу олам гўзал, саришта.  
Таърифига тил лол, сўзларим ожиз,  
Она – бебаҳо зот, она – фаришта.



Юрак-бағри қуйган, куюгим – онам,  
Суюқлар ичида суюгим – онам.  
Дунёда буюк кўп, аммо мен учун  
Буюқлардан буюгим – онам.

Онага керакмас таърифу ёрлик,  
Зиёрат қил, эй дўст, вақт топиб бориб.  
Онанг тирик экан – бахтинг, давлатинг,  
Кетса, тополмайсан уни ахтариб.

Она – бу ҳаётда ўткир бир олмос,  
Болам, деб югурар, чарчамас, толмас.  
Кўзинг оч, англагил, ёруғ оламда  
Онанинг ўрнини ҳеч ким босолмас.

Қашқадарё

Курбон ҚАРЛИҚИЙ

МАЪНО ВА  
МАЗМУНИ  
ЎЗГАРЛАНГАН ШЕЪР

Алишер Навоийнинг замондошларидан қайсидир бир шоир унинг хузурига келиб, шикоят бошлади:

– Қачон бирор шеър ёзар бўлсам, бошқа шоирлар менинг шеъримдаги маъно ва мазмунни ўғирлаб, ўзлариники қўшиб оладилар, хайронман...

Ғафур ҒУЛОМ

## ШОИР ВА ШЕЪР ҲАҚИДА

– Мен ҳам сизнинг шеърларингиздан ҳеч қандай маъно ва мазмун тополмай, хайронликда эдим, сабаби бор экан-да, – дебди Навоий.

ЮЗ БАЙТИ  
БИР ПУЛЛИК ШЕЪР

Яна бир шоир мушоира мажлисида узун бир шеърни ўқигандан сўнг, Навоий олдида мактана бўшлабди:

– Бир пуллик шам ёниб бўлгунча юз байт шеър ёза оламан. Бугун ўқиган шу икки юз байтлик қасидамни икки пуллик шам ёниб ўчгунча ёзганман.

– Кўриниб турибди, – дебди Навоий, – кўриниб турибди. Шунинг учун ҳам ҳар юз байтингизнинг қиммати бир пул экан.



ҚАНОЛАМ ШЕЪР

Бир ёш шоир бир барқашчага писта, новот, пашмак, ҳар хил қандолатлар тўлдириб, устига иккита шеърни қўйиб, Афандига юборибди.

“Ҳурматли мулла Насриддин амаки, иккита шеър юбордим. Ўқиб, ўз фикрингизни айтсангиз, хатолари бўлса кўрсатсангиз...” деган битта илтимоснома ҳам ёзиб қўшибди. Узок вақт Афандидан жавоб ололмаган шоирча яна хаг ёзибди:

“Устод мулла Насриддин амаки, бундан уч ой бурун иккита шеъримни сизнинг фикрингизни олишга юборган эдим, ҳали ҳам жавоб ололмадим...”, деган мазмунда сўров қилибди. Бу хатга Афандидан тезда жавоб келибди. Афанди шундай жавоб ёзган экан:

“Шогирдимиз мулла фалончи. Ширинликлар орасида келган ҳар икки шеърингизни мазза қилиб новот шимиб ўтириб ўқиб чиқдим. Эндиги гал шеър қўшиб юбормай, қандолатларнинг ўзинигина юборсангиз ҳам шеърдай қабул қила берамиз. Ҳурмат билан: Мулла Насриддин”



O'ZBEKISTON  
adabiyoti va san'ati

Манзилмиз: Тошкент - 100083,  
Матбуотчилар кўчаси, 32.

Электрон почта манзили:  
uzas.gzt@mail.ru

Муассис:

ЎЗБЕКISTON  
ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ



Бош  
муҳаррир  
ХУМОЮН  
АКБАРОВ

Тахриратга келган кўғезмалар тахсил этилмайдиган ва муаллифларга қайтарилмайдиган. Муаллифлар фикри тахрират нуктаи назаридан фарқланмиши мумкин.

Масъул котиб Асрор СУЛАЙМОНОВ  
Навбатчи муҳаррир Шухрат АЗИЗОВ  
Саҳифаловчи Ниғора ТОШЕВА

Газета 2014 йил 26 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси хузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлигида томонидан 0283 рақам билан рўйхатга олинган.  
Адади - 1029. Буюртма Г - 538.  
Ҳажми - 3 босма табоқ, А - 2.  
Нашр кўрсаткичи - 222.  
Ташкилотлар учун - 223. 1 2 3 4 5 6

ЖУМА КУНЛАРИ  
ЧИҚАДИ  
Сотувда нархи эркин.



Босишга топшириш вақти - 21.00.  
Босишга топширилди - 21.35.

